

НАВРЎ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

21 март, жума, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 62 (1579)

БЎШ КЕЛМАНГ, ЁШЛАР

«Наврўз — орзу-умидлар дарахти». Республика болалар жамғармаси Наманган вилоят бўлими учун шундай шир остида байрам утказиш анъана бўлиб қолди.

Бу гал байрам ташкилотчилари ёшлигига қарамай, халқ амалий санъатида ўз йўлини топиб олган болаларни таклиф этдилар. 8-15 ёшли чеварлар, каштачилар, дурадгорлар байрам иштирокчилари ва тендошларини ўзлари ясаган буюмлар билан хурсанд қилдилар. Энг яхши асарлар муаллифларига болалар жамғармаси вилоят бўлимининг махсус совринлари топширилди.

Корхоналар, ташкилотлар ва хусусий фирмаларнинг ҳомийлиги туфайли камҳарж, боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларга, етим ва ногирон болаларга моддий ёрдам ҳам берилди.

(ЎзА).

ЯНГИ ИНШОТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Наврўз байрами арафасида янги бино ва иншоотларни ишга тушириш яхши анъана бўлиб қолди. 20 март куни Президент Ислоҳ Каримов Тошкент шаҳрида бунёд этилган Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзприватбанк» — Ўзбекистон халқаро банки, Республика товар-хонашў биржаси мажмуи, республика Марказий банки ва бошқа янги биноларни бориб кўрди.



Замонавий усул ва миллий меъморчилигимиз анъаналаридан фойдаланилган ҳолда қурилган мазкур бинолар халқимизнинг фидокорона меҳнати

самараси бўлиб, иқтисодий салоҳиятимиз, яратувчилик имкониятларимиз бойлигидан далолат беради. Биноларимиз қанча кўракм ва муҳташам бўлса, бу ҳам халқимиз гурури, юртимиз нуфузидир.

Юртбошимиз мазкур биноларни кўздан кечириб экан, уларнинг қурилиши, замонавий коммуникация воситалари билан жиҳозланишига катта аҳамият берди. Шу билан бирга, бундай қури-


тежамкорлик билан ишлатиш зарурлигини уқтирди. Ислоҳ Каримов, шунингдек, Тошкент шаҳри марказини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишиб, мутасадди раҳбарларга тегишли тавсиялар берди.

Янги иншоотлар билан танишув чоғида Президентга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари В. Чжен, Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: янги иншоотлар билан танишув пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.



Қутлангиз, Наврўз — шарафли янги йил келмоқдадир, Гул кучоқлаб офтоб ҳам заркокил келмоқдадир.

Вақт аталмиш бепоён уммон — азалдир ҳам абад, Бир-бирин айлаб давом йил муттасил келмоқдадир.

Ҳар нафас, ҳар лаҳзаси файзу барокот маҳзани, Йулига пешвоз чиқинг, қолманг гофил, келмоқдадир.

Уч юз олтмиш кунни бир ажиб гулдаста денг, Яхшилик рангин чамандек хилма-хил келмоқдадир.

Наврўзим бағринда пинҳондир баҳорий нашъалар, Ёз бўлиб ҳам Куз бўлиб минг бир ҳосил келмоқдадир.

Бол йиғиб хурмою тут, боғгаб қиём анжир, анор, Олма ларзон, ток асал, ноклар шигил келмоқдадир.

Меҳру шафқат, севгию Ишқдан муқалласдир Ҳаёт, Кўзига кўз сўзлаб сирин, дилларга дил келмоқдадир.

Кўчаю майдон, хиёбонларда шодлик тўлқини, Бахт, ижод завқин суриб авлод комил келмоқдадир.

Шонли юртлар даврасинда Ўзбекистон барқарор, Кенг очиб иқбол томон кўксин одил келмоқдадир.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

«ТАШАББУС-96» ГОЛИБЛАРИ

Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Ташаббус-96» республика танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди

Танловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент шаҳрининг товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва республика Бизнес фонди билан биргаликда ташкил этган эди.

Ўтган йил давомида танлов республиканинг барча вилоятлари ва шаҳарларида давом этди. Уни ўтказишдан мақсад бозор муносабатлари асосида ишлаётган энг яхши тадбиркорларни, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва халқ усталарини аниқлашдан иборат эди. Саралаш босқичларининг иштирокчилари ўз тадбиркорлик хусусиятлари ва маҳоратларини, республика қонунларини, маркетинг ва менежментни қанчалик яхши билишларини, одамлар билан муомала қилиш маҳоратини намойиш этдилар. Танловда бир ярим мингдан ортиқ одам қатнашди.

Якунловчи босқич «Энг яхши хўнараманд», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши тадбиркор» деган уч ном бўйича ўтказилди. Биринчи ўринни эгаллаганлар Ўзбекистон Президентини номидан қимматбаҳо совғалар олдилар. «Энг яхши хўнараманд» номи бўйича ўтказилган танловда биринчи ўринни эгаллаган Қибрайдаги «Ижод» хусусий фирмаси раҳбари Эргаш Сапаров «Тико» автомобили билан мукофотланди. Андижон вилоятидаги «Шухрат» хусусий дехқон хўжалиги раиси Тожимирза Нуриев «Энг яхши фермер» деб эътироф этилиб, унга совға сифатида «Дамас» микроавтобуси берилди. Самарқанддаги «Умид» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси раҳбари Олим Ражабов «Энг яхши тадбиркор» деган номни олиб, «Нексия» автомобили билан тақдирланди. Танлов голибларига унинг ташкилотчилари ва танловни қўллаб-қувватлаган ташкилотлар номидан қимматбаҳо совринлар берилди.

Бош вазир ўринбосари В. Чжен танлов иштирокчиларини Президент Ислоҳ Каримов номидан табриқлади.

Шу кун пойтахтдаги «Туркистон» саройида Президент фармонида мувофиқ, хусусийлаштирилган корхоналарнинг раҳбарлари ва тадбиркорлар гуруҳига орденлар, медаллар ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрликлари топширилди. Мукофотларни Бош вазир ўринбосари В. Чжен топширди.

(ЎзА).

МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ ТАРАККИЁТ ЙЎЛИДА АВАЛО ЁШЛАРГА УМИД БОГЛАМОҚДА.

Зеро, уларнинг билимдонлиги, маънавий етуклиги, янги шароитда яшашга тайёрлиги мамлакатнинг яқин келажакдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти суръатларини ҳал қилувчи даражада белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармони билан «Умид» жамғармаси тасвис этилган ана шу йўлда амалий ишлардан бири бўлди. Ушбу жамғарма иқтисодий ёшларнинг чет элларда ўқиб, билим олишларини моддий

«УМИД» БОШҚАРУВИ ЙИГИЛИШИ

жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Кеча «Умид» жамғармаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда 1997-1998 ўқув йилига тайёргарлик кўриши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Жамғарма бошқаруви раиси Р. С. Азимов шу ҳақда ахборот берди.

Танлов асосида икки юз нафардан зиёд ёш саралаб олинди, 1997-1998 ўқув йилидан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг йирик олий ўқув юрталарида машғуллотларни бошлайдилар.

Мажлислаги муҳокамалардан сўнг ёшларни бакалаврият, магистратура, шунингдек, мутахассисликлар юзасидан дастурлар бўйича тайёрлаш квоталари белгиланди, тест синовлари ва сўбатлар ўтказиш комиссиялари раҳбарлари тасдиқланди. Хорижда билим олиб келишлари учун талантли ёшларни танлаш масаласига оид бошқа қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Жамғарма бошқаруви йиғилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз).

САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

«ДАВРОН»НИНГ ДОВРУФИ

«Даврон» агрофирмасига қарашли иссиқхоналарда томчилаб суғориш ускуналари ўрнатиш ва соғлаш ишлари низоюсига етди. Бу кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, сувни тежаш, туپроқ шўрланишининг олдини олиш имконини беради.

«Даврон» фирмаси Булоқбоши тумани Жураполвон номидаги жамоа хўжалигининг беш гектарлик иссиқхона хўжалигини хусусийлаштириш натижасида вужудга келган. Хусусий агрофирма ёш ва серғайрат мутахассис Улуғбек Носиров ва унинг отаси Каримжон ака раҳбарлигида йил сайин мустаҳкамланди ва бар-

қарор даромад олиб келмоқда. Фирмада 50 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланган.

«Даврон» иссиқхоналарида етиштирилган помидор, бодринг, лимон ва ошқўкни Булоқбоши тумани ҳамда Андижон вилояти шаҳарлари аҳолиси яхши билади. Агрофирма ходимлари ўтган йили вилоят савдо тармоғи ва деҳқон бозорларида юз тоннадан ортиқ витаминли маҳсулот етказиб берди.

ЙИГИРМА КУН АВВАЛ...

Беруний туманидаги «Қиёт-обод» жамоа хўжалигининг Султон Рамонов бошлиқ бригадаси далаларида чигит экиш ўтган йилдагидан йигирма кун аввал бошланди. Чигит «Андиджон-2М» селёксия ёрдамида пленка остига экилди. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон жанубий худудлари қишлоқ ва суу хўжалиги ходимлари ҳамда Андижон пахтакорлари вакиллари иштирокида кўргазмали семинар-кенгаш ўтказилди. Бу йил мажор усулда 6 минг 200 гектар ерга чигит янги усулда экилади.

БУХОРО ДОРИЛАРИ.

Бухоро шаҳридаги дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича йирик иншоот «Гуфик-Ибн Сино» Ўзбекистон — Ҳиндистон — Буюк Британия қўшма корхонаси фойдаланишига топширилди.

Корхонанинг ишга тушиши муносабати билан тантанали маросим бўлди. Унда Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фахуллода ва Мухтор элчиси М. К. Бхадракумар, Ҳиндистоннинг «Гуфик ЛТД» фирмаси президенти Ж. Чокси ва бошқалар сўзга чиқди.



Пойтахтимиздаги 1000 дан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти ўзининг миллий усулда ишлаган каштачилик маҳсулотлари билан машҳур. Буёунги кунда бу ерда 40 хилдан ортиқ ана шундай маҳсулотлар тайёрланмоқда. Корхонада тиклаётган палак, сўзана, чойшаб, суу кўрпа, келин-куёвлар учун либослар, дўппи, уй безаклари ўзининг бежиримлиги ва пухта ишланганлиги, безакларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: полов цехи ишчиларидан бир гуруҳи.

ТОПГАНИ -- ТЎЙГА...

Хонқа дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти Наврўзи-айём арафасида ишлаб чиқаришдан орттирилган фойданинг нақд 750 минг сўмини «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари, халқ таълими муассасалари, қариялар, ногиронлар, нафақахўрларга туфла этди.

Биргина корхонанинг ўзида миллий урфимиз, узлигимиз билан йўғрилган шарқона байрамни нишонлашга жами 1 миллион 150 минг сўм сарфланди.

МИНГ БИР САВОБ



СУМАЛАК СУЗИНГ, МОМО!

Болалигимда бундай сайилларни жуда кўп кузатганман. Қош қорайиб, тун киргач, сумалак қозони атрофида давра қурилади. Кайвони момолардан бири чилдирмани ўчоқдаги ўтга тоблаб, сўнг гўмбурлатиб чала бошлайди. Чилдирма товушини эшитганлар «сумалак сайли» бошланганини билдиб, яқин-йироқдан оқиб келаверадилар. Энг аввал момолардан бири йўқлини лапарни бошлаб беради. Лапар бундай бошланади:

*Осмоларда камалак,
Қозон тўла сумалак,
Сайилдан бердик дарак,
Келаверинг минг малак,
Сумалак, ҳо сумалак...*

Кейин бошқалар ҳам шу момога жўр бўлишади:

*Узоқ осмону фалак,
Қайдадир ўттиз малак?
Улар солмасе намак--
Қачон пишар сумалак?!
Сумалак, ҳо сумалак...*

(Айтишларича, сумалак қозони атрофига келиб ўтирган ўттиз малак тонгга яқин қозонга туз-намак ташлаб, сўнг учиб кетишаркан. Бу эса сумалакнинг пишганини билдираркан. Шу учун ҳам лапарда туз-намак сўзи тез-тез тилга олиб турилади) Онахонлар энди наватни ёш қизу келинчаларга берадилар. Қиз-жувонлар рақс тушиб, бир-бирларига гал бермай,

ўзлари билган халқ қўшиқларидан куйлайдилар:

*Атлас куйлак енг и тор,
Енг ичида хати бор.
Хатни олиб ўқисам,
Сўйганимнинг оти бор!*

Ёшлардан яна бири қўшиқни қўшиққа улаб кетади:

*Узун куйлак киймайман,
Этагини чанг қилиб.
Сўймаганга тегмайман,
Юрагимни қон қилиб...*

Шу йўсинда баэм то тонготаргача давом этади. Сахар чоғида дам еб, пишган таомни сузишни кекса аёл бошлаб берган. У «Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм» деб қозон оғзини

очади ва шундай сўзларни такрорлайди:

*Ғойибдан барака
Беҳишдан маза,
Менинг қўлим эмас,
Баби Фотима онанинг қўллари...*

Сўнгра сумалак қатор идишчаларга сузилиб, биринчиси ён-атрофдаги кекса ёки дардман кишиларнинг уйларига элиб берилади. Шу жиҳатдан олганда, сумалак жуда кўп яшилликларга йўл очувчи кутлуг таом саналади. Сумалак сузаётган аёл қозон бошида ҳазил аралаш хиргойи қилиб туради:

*Том боши қизил алов,
Сумалак минг бир дармон.
Сумалак етмай қолган,
Армон қилар-а, армон...
Сумалак, ҳо сумалак!*

Шундай тонготар баэмлар -- сумалак сайиллари болалик хотирамдан ҳеч ўчмайди. Эслаганим сайин сумалакнинг хуш буйини, бетакрор мазасини соғинавераман. Сумалак фасли -- Наврўзни интиқиб кутаман. Беҳиш таоми -- сумалакни пишириб, минг бир савобнинг этагидан тутаётган момоларимга ичидан тасаннолар айта бошлайман.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛАР ВОСИТАСИДА ИШЛАЙДИГАН УЯЛИ АЛОҚА ТИЗИМИНИ БАРПО ЭТИШ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН

"КОСКОМ"

ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқларни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади.

Наврўз ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, тўкин-сочинлик ва хайру барака келтиришини тилаб қоламиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан "Коском" қўшма корхонаси жамоаси.

БИР ЛАҲЗАЛИК ГУРУНГ

ЯМ-ЯШИЛ ЧОРБОҒЛАРДАН БУЛБУЛДАЙ ОВОЗ КЕЛДИ

Пойтахтимиздаги катта бозорлардан бири. Кимдир картошка, сабзи тўла халтани зўра кўтариб кетаётган бўлса, яна бири олма-анор солинган елим халтани кўлтириб қистириб олган... Умуман, барчани бу ерга рўзгор ташвишлари етаклаб келган. Мени эса одамларнинг Наврўзни қандай кутиб олишлари қизиқтиради. Шунинг учун уларнинг баъзиларини бир зум тўхташиб, тагга солидим:

-- Кўк сомса пишириш учун ялпиз билан исмапоқ харид қилдим, -- дейди ўзини Шоира Камолдидинова деб таништираган аёл.

-- Болаларим билан даласи бу таомни жуда хуш кўришди. Ҳар йили Наврўз байрами кунини онлайин бўлиб, сайилгоҳларни айланамиз. Бу йил яхши ниятлар билан биринчи марта уйда буюдой кўкартирдим.

Одамлар ҳам қизиқ-да. Менинг қўлга қоғоз-қалам олиб, опани «сўроққа» тутаётганимни кўриб, қизиқиб билан бизни ўртага олишди.

-- Э, байрамга жоним садақа, аёло кутиб оламиз, аёло! -- дейди сурхондарёлик далли-гулли деҳқон Нурмухаммад Ҳайдаров. -- Пиёзни сотиб, пулни белбоққа туғиб олдик. Энди бир бозор айланиб, болабақра-ю, чечангизга саруполар харжласам, деб турибман. Эскидан шундай олат бор. Наврўз кунини ҳамма янги кийимлар кийиб, сайилга чиқади. Буёғи, ўзларини кишилоғимизнинг «минг куйли бойларидан» санаб юрганлар бир кўриб қўйишсин. Нурмухаммад деҳқоннинг ҳам даври келиб, меҳнати ортидан бой бўлганини.


-- Илми толибларданми-сиз? -- сўрайман егини янгитдан.

-- Ҳа, бу йил индустриал-педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Исми-шарифим -- Хушвақт Сатторов.

-- Талабаларнинг кўпчилиги байрам арафасида аллақачон уйларига кетишган...

-- Мен эса бу гал Наврўзни шаҳарда ўтказмоқчиман. Ошга масаллиқ олиш учун бозорга тушувдим.

-- Гулни кимга совға қилмоқчисиз? -- дея сўрайман бир даста дола



кўтарган Даврон Бекназаровдан.

-- Эртага аёлимнинг туғилган кунини. Умуман, биз 21 мартни оиламизда қўшалоқ байрам сифатида нишонлаймиз.

-- Бу кунда биз хизматда бўламиз, -- дейди милиция сержанти Баҳром Комилов.

-- Ахир, ўша кунини одамларнинг хуш кайфиятлари бузилмаслиги учун сайилгоҳларда, томоша жойларида тартиб-қоида ни сақлаш керак бўлади-да.

Етти-саккиз яшарлар чамаси қизчани етаклаб келётган онахонга пешвоз чиқиб, салом бераман.

-- Бувижон, илгарилари Наврўз ҳақида халқ қўшиқлари кўп бўлган дейишди. Ешланингизда ана шундай қўшиқларни ҳеч эшитганимизми? -- дейман. У киши гапимдаги маънони пайқайди, чехрасига табассум ёйилди.

-- Бундай қўшиқларни Нозима қизим ҳам билади, -- дея неварасига имо қилди.

«Халқ сўзи» мухбири Фафур ШЕРМУҲАММАД

Жиззахликлар бу йилги Наврўз байрамини кўнгилдагидек ўтказиш ниятида вилоятнинг кўпгина туманларида қурилиш--ободончилик ишларини якунладилар.

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Айниқса, бу йил вилоятда гузарлар қуриш одат тусига кирди. Жиззах шаҳрида шундай гузарлардан бир нечтаси фойдаланишга топширилди. Уларда маданий-маншый хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўконлар, омонат касалари ишлаб турибди. Ана шундай гузарлардан яна бештаси Наврўз айёми кунини Жиззах шаҳрида, ўнга яқини эса туманларда ишга туширилади.

Шунингдек, вилоятда теннис кортлари қуришга ҳам эътибор берилаяпти. Ҳозирда тўққизта теннис корти ишга тушиш арафасида. Халқ сайли кунини шу кортларда теннис бўйича вилоят мусобақалари бўлиб ўтади.

Файзулла БОВО ДЎСТ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"НАВРЎЗ" АЙЁМИНГИЗ БИЛАН!

ХАЛҚАРО ИОҚ ИЛТИЖИ

"ИНТЕРНАЦИОНАЛЕ ИНВЕСТИЦИОНЕ ИТРАНСАЗИЯ ЭМБХ" (ГЕРМАНИЯ)

ФИРМАСИ СИЗЛАРНИ БАҲОР БАЙРАМИ БИЛАН ҚИЗГИН МУБОРАКБООД ЭТАДИ.

СИЗЛАРГА СИҲАТ САЛОМАТЛИК, ИШЛАРИНИНГИЗГА РИВОЖ, ОИЛАНИНГИЗГА БАХУН-САОДАТ, ШИШУ-ШОШУВЛИК, АҲИЛИК ВА ҚУШ-БАРЛАК ИШЛАЙДИ. БАЙРАМИНИНГИЗ ҚУНЧИЛАМ. УНСИНИ!

ФИРМАНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ.

Давлат қисқа муддатли облигацияларининг 21013 UMFS чиқарилишини жойлаштириш тўғрисидаги ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1997 йил 26 мартда давлат қисқа муддатли облигацияларининг ўн учинчи чиқарилишини сотиш бўйича кимошди савдоси ўтказилишини эълон қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21013 UMFS;
б) Чиқарилиш ҳажми: 3300000000 (уч миллиард уч юз миллион) сўм;
в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;
г) Облигациянинг қопланиш муддати: 1997 йил 25 июнь;
д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари -- ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.
е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кимошди савдоси 1997 йил 26 март кунини соат 10.00 да Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ким ошди савдоси ва иккиламчи савдолар қўйилган манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси 6-уй, Республика валюта биржаси.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ, шу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қўйида рўйхати берилётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

Тартиб рақами	Дилер	Манзил, телефон
1	Ўзсаноатқурилиш банки	Тошкент ш. А.Тўқай кўч. 3 тел. 33-24-86, 36-14-77, 33-85-05
2	Миллий банк	Тошкент ш. Охунбоев кўч. 23 тел. 33-17-12, 33-74-15
3	Ўзпахтабанк	Тошкент ш. Муқимий кўч. 43 тел. 78-10-94, 77-91-66
4	Халқ банки	Тошкент ш. Қатортол кўч. 46 тел. 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14
5	Ғаллабанк	Тошкент ш. Лоҳутий кўч. 36 тел. 36-16-17
6	"Турон" АТББ	Тошкент ш. Навоий кўч. 44 тел. 42-23-85
7	Ўзсириватбанк	Тошкент ш. Амир Темур кўч. 24 тел. 34-64-88
8	"Ишак Йўли" АИТБ	Тошкент ш. Фарход кўч. 12а тел. 76-89-73
9	Тошуйжойжамфармабанк	Тошкент ш. Пушкин кўчаси 17 тел. 33-11-22, 36-32-31, 36-33-31, 33-29-57
10	Алоқабанк	Тошкент ш. Толстой кўч. 1 тел. 36-10-21
11	Трастбанк	Тошкент ш. Навоий кўч. 7 тел. 41-01-10, 41-04-43
12	Асакабанк	Тошкент ш. Нукус кўч. 67 тел. 54-04-50, 54-18-74
13	АБН АМРОБАНК	Тошкент ш. Х.Олимжон майдони, Бизнес-Комплекс 4-подъезд тел. 32-00-76, 32-00-70
14	Андижонбанк	Андижон ш. Бобур шох кўч. 85 тел. 45-33-69(Тошкент), 4-36-88(Андижон)

21010 UMFS чиқарилишдаги қисқа муддатли давлат облигацияларини қоплаш тўғрисидаги ЭЪЛОН


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1997 йил 26 мартда ўнинчи чиқарилишдаги давлат қисқа муддатли облигацияларининг қопланишини маълум қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21010 UMFS;
б) Чиқарилиш ҳажми: 3000000000 (уч миллиард) сўм;
в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм.

Облигациялар тўлови 1997 йил 26 март кунини соат 9.00 да қуйидаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 6-уй.

21010 UMFS чиқарилишдаги облигацияларни қоплашдан олдинган маблағлардан 21013 UMFS чиқарилишдаги облигацияларни харид қилишда фойдаланиш мумкин.

Тулов билан боғлиқ масалалар бўйича облигация эгалари билан шартнома тузган дилерларга мурожаат қилиш мумкин.



МОЗИЙ ВА БУГУН



РАНГИДАН МУНАВВАР ЖАҲОН...

«Хамал кирди — амал кирди» деган халқ мақолининг тарихий асосларида ота-боболаримизнинг йўқолгучи ва уйғонгучи табиат ҳақидаги тасаввурлари ётади. Бинобарин, ўт-ўлан, дов-дарахларнинг уйғониши табиатдагина эмас, балки амалий ҳаётда ҳам инсонларни жонлантинириб юборган. Мана шу пайтдан бошлаб бевосита кун узая бошлаб, тун эса қисқара борган: «Наврўз» атамаси ҳам Янги йилнинг дастлабки кўни маъносини ифода қилади. Бу пайтда қирлар майса-қўқатлар билан қопланади, тоғдаги қор-музлар эрийди, сувлар оқа бошлайди.

Бу манзарани XI аснинг буюқ шоири Махмуд Қошғари ўзининг «Девону луғотит турк» асарида шундай тасвирлайди: **Қор, буз қамуг арушди, Тоғлар суви окшиди, Кўкиш булут урушди, Қайғуқ бўлиб крашур.** (Қор, музлар эрий бошлади, тоғлардан сувлар оқа бошлади, кўкимтир булутлар пайдо бўлиб, улар қайқдек тебранишиб сузишади). Наврўзни 21 мартдан бошлаб байрам қилиш анъанаси исломгача ҳам бўлган. Аммо Сосонийлар ҳукмронлиги даврига келиб уни давлат даражасида нишонлашга эътибор берилган. Уша даврда Наврўз март ойида эмас, балки ёзи тенгкунлик -- 21--22 июнь саналарида байрам қилина бошланган. Бирок, бу одат кўпга бормади, халқ ўртасида мустақкам қарор топмади. Кейинчалик баҳор байрами ҳар доимгидай яна 21 мартда нишонлана бошланди. Тарихимизда Наврўзни қуйловчи, уни тасвирловчи кўплаб манбалар

учрайди. Абу Райҳон Беруний «Китобат-ат таъхим», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобларида унинг арабларгача бўлган даврда байрам қилингани, Аҳмонийлар даврида анъанага айлангани, араблар қелгач эса бир неча йиллар нишонланмаганилиги тўғрисида маълумотларни келтиради. Аллома шоир Юсуф Хос Хожибнинг 1069-1070 йилларда яратилган «Кутадгу билиг» асарида Наврўз шундай таърифланади: Ер юзи ҳарир кийимлар кийган ёш қизлардай бўлиб ороланди. Бу гўё хилма-хил матоларни ортиб олган Чин қарвонининг молини ёйган ҳолатга ўхшайди. Тоғлар, қирлар, далалар ҳам бутунлай яшил ва оқ рангларда бурканишган... Бутун олам муаттар ҳидларга тўлди: **Чиннигул ҳидини ёйarkan сабо Бутун дунё тўлди ифорга гўё...** **Кўшиқ айтди гўзал қаклик тоғ ора, Қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора.**

Ковоқ осар осмон, кўзи ёш сочар, Чечакларчи, кувноқ, кулиб юз очар. **Чиройга кўмилган кўкатлар ўзи, Яшилга беланган бу ернинг юзи.** **Баъзиси ҳидидан берар дилга жон, Уларнинг рангидан мунаввар жаҳон.** Наврўз ўз мазмунида эзгу орзу-ниятларни мужассамлаштиради. Қадимий одатга кўра ота-боболаримиз бугдой, арпа кўклатиб сумалак пиширганлар, ҳар хил сайиллар уюштиришган. Кексалар ёшларга эртаклар, ҳикоялар, қўшиқлар, шеърлар айтиб берганлар. Қўпқарчи, кураш мусобақалари бўлган. Форсий сўз санъаткори Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида ҳам Наврўз мана шундай мардликка чорловчи кун сифатида тасвирланган. Баҳром Гўрнинг Эрон заминига ана шундай кунда зафар қучиб қайтишини қуйидагича тасвирлайди: **Оташкада иши топиб саранжом,**

Наврўз сайиллари бўлганда тамом. Озорбодогонга йўл солди яна, Номдор мардлар ила қилиб тантана. XIV асрдаги ўзбек бадиий адабиётининг йирик намояндаси, сўз санъатининг улкан сиймоси Насриддин Раббузийнинг «Қиссаи Раббузий» асарида Наврўз қуйидагича таърифланади: **Кун ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи, Кечди баҳман замҳарир киш қолмади қори бўзи. Кун келу минг кўрקי ортиб тирилув ўлимиш жаҳон, Тонг бадишлар нақши бирла безанув бу ер юзи...** Наврўз байрами ҳамма даврларда ҳам кун тартибидан тушган эмас. XX аср бошларида адабиётда, матбуотда буйайм тўғрисида шеърлар, мақолалар, хабарлар чоп қилинган. Жумладан, Чўлпоннинг «Наврўз кунинда» шеъри шоир Элбек тўплаган тўпламда дастлаб нашр қилинди. Унда:

Хира, ўчғон, қирли, кучсиз дилларга, Ёрўғ ёғди, турмуш сепган Янги кун, деган латиф сатрлар битилгандир. Асримизнинг 20-йилларида ҳам Наврўз арафасида янги мактаблар ташкил этилган, кувноқ тадбирлар ўтказилган «Иштирокию» газетасининг 1919 йил 4 апрель сонисида «Наврўз байрами муносабати ила мактаблар бирлашуви» номи хабарнома эълон қилинган. Унда Тошкентда 21 март кунин «Ватан» ва Улуғбек номи мактаб шогирдлари табрик маросимига йиғилишган. Байрам шарафига бу икки мактаблар бирлаштирилиб, дўст ва иноқ бўлишади. Умуман, Наврўз -- баҳор ва уйғониш байрами. У қомил инсонни тарбиялашда, мустақил ўз-ўзини аниглашда тарихий анъаналарни ўзида мужассамлаштиради. **Нормурод АБАЗОВ, филология фанлари номзоди.**

ДАЛАГА ШОХМОЙ (ҚЎШ) ЧИҚАРИШ
Бу деҳқончилик касбига оид маросим бўлиб, одатда далага қўш чиқариш кунини қишлоқдаги тажрибали деҳқон (оқсоқол) белгилаб берган. Шохмойлар душанба, чоршанба ва жума кунларидан бирига тўғри келиши лозим бўлган. Чунки бу кунлар деҳқонлар тасавурида бахт-омад келтиради.

Шохмой тантаналари қишлоқнинг барча аҳли тайёргарлик кўрган: ҳар бир хонадонда турли таомлар пиширилган. Нону қатлама, патирлар ёпилган. Маросим ўтказилганида жой супуриб-сидирилиб, шолча, кигизу гиламлар тўшалиб, дастурхонлар ёзилган. Қишлоқ аҳли тўпаниб, оқсоқол яхши тилаклар билан дуо-фотиҳа қилгач, пиширилган нарсалар аҳолига тарқатилади. Сўнг қўш чиқариш учун махсус боқилган ҳўкизлардан бири олиб чиқилган ва ўтган йил ҳосилининг охириги тутамидан тайёрланган кулча қишлоқнинг барча мўътатар қариялари ва бошқаларга бир тишламдан улашилади. Унинг бир тишлами ҳўкизига ҳам берилади. Ҳўкизларнинг шохига зигир ёғи суртилади, қўз тегмасин, инс-жинслардан ва ёвуз руҳлардан йироқ бўлсин деб, исириг тутатилади. Дастлабки қўшни энг ҳурматли, серфарзанд ва кўп навера-чеварали мўйсифлардан бири солади.

Ёмғир қақириш удумлари кенг тарқалган. У махсус белгиланган кун ва вақтда ўтказилган. Аммо бу кун ҳафтанинг халқ тасавурида қабул қилинган бахтли кунига тўғри келиши зарур бўлган. Маросимнинг биринчи босқичи ташкилий ишлардан бошланган, унга эпчил ва удлубурон шахслардан ташкилотчи мутассадди тайинланган. У маросим учун керак бўлган нарсаларни тайёрлаган. Бундай нарсалар масалан, лоқай узбекларида битта бўш қовоқ, иккита қамиш найча, иккита тошбақа, битта эшак ва хайрсалдақ солиш учун битта хуржундан иборат бўлган. Ёғочдан қўриқчи шакилдаги қўғирчоқ ясалиб, полиз экинлари ўртасига қўйилган ва унга қари аёлни кўйиши кийизилган. Шундан сўнг маросимнинг асосий - иккинчи босқичи бошланган.

Маросимнинг анча кенг тарқалган хили Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган. Чунки бу ерларда лалмикор экинлар кўп экилади. Белгиланган кун ва вақтда 10-15 нафар аёл махсус ясалган қўғирчоққа қари аёлни кўйишга қўйилган, бир аёл уни қўтариб олади, қолганлари унинг ортдан эргашиб қишлоқ ёки маҳалладаги хонадонларга «Суст хотин» қўшигини маҳорат билан айтиб чиқади. Айтиладиган ўқушда деҳқон сепган бугдойнинг мўл ҳосил бериши, хонадонлар

га хурсандчилик, эл-юртта тўқинчилик ва кўт-барака келтириши таъкидланиб, ёмғир ҳаёя этиш илтижо қилинади.

Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин, Деҳқоннинг уини тўлсин, суст хотин, Ёмғирларини ёғдириг суст хотин, Ёмоннинг уини қуйсин, суст хотин... **Осмондан томчи ташлаб суст хотин, Элу юртни тўйдиргин, суст хотин.** Ёмғир қақириш маросими Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Олот туманларида «Чала хотин» номи билан машҳур. Ёғочдан ясалган, аёл кўйлаги кийгизилган қўғирчоқни бир аёл қишлоқ буйлаб, айлантириб хайр-садақа йиғади. Унинг орқасидан беш-олти бола хуржун қўтариб, қўшиқ куйлайди.

Айланиди чала хотин, Ўргилиди чала хотин, Онамнинг тўғичаман, Қозоннинг қирғичиман, Ёмғирнинг ёғичиман, Худо берса, оби раҳмат ёғаверсин, Айланиди чала хотин, Ўргилиди чала хотин. «Суст хотин» якунида қўғирчоқни ё куйдириш ёки қудуққа ташлаб юбориш удуми эса узок ўтмишдаги ажлоларимизнинг қурбонлик қилиш маросимидан бир нишондир.

Г. ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.



КЎНГИЛ ЧИРОҒИ
ГАВҲАРГА ГАРД ЮҚМАСИН

Аёл мукаддас дейдилар. Осмон қадар юксак бўлган бу таъриф унинг номига шу қадар муносиб тушганки, ҳар гал гафакош онажонимнинг кўзларига термулганимда, 25 ёшида бева қолиб, умрини уч фарзандига баши айлган Гулсум энанинг нури юзларига, фарзандларининг ўқиши, камол топиши учун тинмай меҳнат қилаётган кайнонамнинг қадокли кўзларига боқганимда бу таърифнинг қанчалар рост эканига иймоним қомил бўлади. Аёлни фарзандига, ёни йўлдошига, юртига фидойи қалби ҳамisha эзгуликлар сари, маърифат сари интилади. Мана шу интилишлардан қайиқ ўзларини камол толади. Ҳақиқий ориятли йигитлар энг аввало мана шу мунис аёлни тарбиясини олади. Эшитганим бор: Барно исмли жувон икки ўғли билан бева қолиди. Марҳумнинг йилидан сўнг унга кўнгила қўйган йигитлар совчи жўната бошладилар. Аммо жувон сира қайта турмуш қўришга розилик бермади. Қизини қаттиқ терғовга олган онажонини: -- Гап менинг турмушимда эмас, марҳум кўйинингизни қаттиқ суошимда ҳам эмас. Би-ласизми, у киши менга икки ўғил, икки улуғ номус қолдири. Энди булжак кўйинингизнинг кўнгилига қарайман деб, ўғилларининг турмушини синдириб қўйишдан қўрқаман. Шунинг учун мени мана шу икки улуғ номусини осиб ўтиша мажбур қилманг, -- деди. Унинг бу гапини ўз даврида қимлариди тўғри тушунаган, қимлариди тушунишга ҳаракат қилиб ҳам кўрмагандир. Аммо бу юзга менинг кўнгилини ифтихорга тўلدириб юборгани рост. Азалдан эркакка бўлган улуғ эҳтиром аёллар қўлида яшайди. Бу кутлуғ туяи ҳаминша ўзидан эзгу нур таратиб, алоқдан-алоқга ўтиб боради. Аммо тоғида шу азиз ва муқаррам неъматдан маҳрум бўлганлар ҳам оралида борлигини ўқинган киши...

Зилиб унга парвона бўлаётган йигитлар... Нозик бармоқлар орасида тутаб ётган сигареталар... Учинчи тикилган ниғоқлардаги нафрат, ачиниб, қизиқувчанлиги ва яна аллақандай маънолар... Бу жувон у эмас, дег узимини ишонтиришга қанчалик уринмай, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмасди. Уни қайтиб кўрмаган бўлсада, икки қиёфадаги аёл ва кўзлари пирпираб бораётган бегубор болакай хотирамда муҳрланиб қолди. Уйласининг дардига фишлатётган она, тўйлардаги ҳаракатлари билан унинг қўлида битмас жароҳатни ўстиратганини билмасми-кан? Ҳозир бу аламли азобин ҳис этмаётган ўғил, бир кунни улғайиб эр йигит бўганида, онасини кечира олмайди! Яқинда бир танишим энди-гина мактабин тамомлаган йигит тижоратчи онасини уйдан чиқиб кетишини талаб қилаётгани айтиб берди. Сабаби, аёлни турли машиналарда келиши ҳамда танишларининг кўпчилиги йигитнинг иззат-нафсига қаттиқ ботаётганида экан. «Беchor, мана шу ўғил узини тинимсиз ишлайди, шаҳарма-шаҳар кезади, оқибатда эса, шўрлик она ёмон» -- деди танишим. Бирдан қалбимда кўмилиб ётган дард кўзўлгандай бўлди. Уелини бекаму-кўст яшаши учун олиб юраётган она унга меҳру муҳаббат ҳақида бирор марта гапирмаганми-кан? Ўз ишдан ортиб, боласига ширин таомлар тайёрлаб берганими-кан? Ёки кунин билан кўчада ўйнаб келган уелидан, қим билан юрган элинг деб сўраганми-кан? Ё боласи бетоб бўлсада, ўз ишини афзал биллиб, қўшинига қолдириб кетганими-кан? Билмадим, энди у аёл уелидан меҳр талаб қилишга ҳақлими ё йўқми?... Бирор ҳўкм чиқаришдан оқиман. Аммо бир нарсани билмаман, фарзандига бор муҳаббатини бериб яшаётган онажонларимиз сира меҳрга зор бўлиб қолмайдилар. Уларнинг меҳнатларини фарзандлари қадрлай ол-маган чоғда ҳам кўни-қўшини, маҳалла-қўй яхши биледи. Қадами кутлуғ келётган Инсон манфаатлари йилида, қолверса, маънавий уйғониш бошланаётган олоқ юртиниз оналаримиз асарб келган кутлуғ туяи -- эркакларга бўлган эҳтиром туяусини барча аёлларимизга насиб эттишини истардим. Уйларини ориятли қилиб ўстирган юртининг қўраги ва ибузи ҳаминша юксалиб бо-ришини тарих исбот қилган. Юртининг номуси, эркакларнинг орият аёлини қўлда яшаркан, уни элимизнинг, фарзандларимизнинг мукаддас ганҷаридай асарамиз лозим. Зеро, бу гавҳарга гард юксасин. **Ҳамро Бону МУСУЛМОНОВА.**



Қуvasой шахридаги фермерлар Наврўз арафасида саховат ишларини янада кўпайтирдилар. Уларнинг кўпчилиги ўз ўрамларидаги мактабларни оталиққа олишган.

ФЕРМЕРЛАРНИНГ СОВҒАЛАРИ

Яқинда «Айритом» фермер ҳўжалиги раҳбари Қобилжон Шукуров 17-ўрта мактаб бошланғич синф ўқувчиларига 10 минг сўмлик, «Одил» фермер ҳўжалиги бошлиги Орифжон Мамарабабов эса 18-ўрта мактаб ўқувчиларига қимматли совғалар тақдим этдилар. Арсиф қишлоғидаги «Шоҳруҳ» фермер ҳўжалиги бошлиги Олимжон Ҳўжаев аянчандан бери таъмиргў муҳтож бўлиб ётган тиббиёт биносини ўз ҳисобидан таъмирлаб берди. Наврўз арафасида бинода зангори олов ҳам ёна бошлади. Қуvasойлик фермерлар янгилашмиш байрами кунларида ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронларнинг ҳолидан хабар олишини ҳам унуттигани йўқ.

Набижон СОБИРОВ.

Ўзбекистондаги шаҳарлар ва вилоятлараро магистрал йўлларда, хатто Қозоғистон, Қирғизистон каби қўшни давлатлар автомобил йўлларида давлат номер белгиси «ТШ» бўлган Икарус, Мерседес автомобилларини ҳаммамиз кўрганмиз, кўрамыз ва кўпчилик бу автомобилларнинг хизматидан фойдаланамиз ҳам.

Айниқса, масофа 700-800 ва 1000 километрни ташкил этадиган Термиз, Ургенч, Бишкек, Иссыкқўла каби маконларга йўлнинг тушганда қулайлик ва шароити энгил машиналардан афзал бўлган юмшоқ ва шинам салони Мерседеслар жонга оро қиради: кечқурун Тошкентдан чиққач, орқа суячқини пасайтириб бир кўзини тинч иланса, тонгда кўз оянсангиз Термиз ё Иссыкқўлга келиб турибсиз!

«СУСТ ЁХУД ЁМҒИР ЁГДИРУВЧИ ХОТИН»

Лалмикор деҳқончилик ва чорва билан шуғулланувчи аҳоли учун баҳор ҳамда эзининг илк ойларида ёмғирга катта эҳтиёж сезилади. Бундай деҳқончилик ёнгингарчилик бўлмаган ойларида хавф остида қолган. Бунинг олдини олиш мақсадида «Суст хотин», «Сув хотин», «Чала хотин» каби

ОҚ ЙЎЛ!

хизмат қилишмоқда. Ҳайдовчилар Ёдгор Абдужалолов, Владимир Шуван, сазовчи уста Карим Миранидовлар зиммаларидаги топшириқларни вақтда, сифатли бажаришда ҳаммасларига намуна бўлишмоқда. -- Автопаркмизда 223 та автобус мавжуд бўлиб, улардан 137 таси шаҳарлараро, 30 таси вилоятлараро ва 9 таси халқаро йўналишларда ишламоқда. -- дейди директор Зиёдулла Махмутов. -- Жамоамиз ёзуларининг аҳил-иноқлиги, ўз ишига сидқидилдан муносабатда бўлиши туфайли ўтган йилнинг тўртинчи кварталда республика бўйича автокорхоналар ўрта-сидаги беллашувда I-ўрин

ни олди. Кеча шу жамоада Наврўз байрами таптайлар бўлиб ўтди. Байрам дастурхонига ташриф буюрган пойтахт шаҳар ва вилоят автокорхоналарининг ишчи-хизматчилари, вазиралик ва идораларнинг раҳбарлари, ён-атроф маҳалаларнинг оқсоқоллари илғор автокорхона жамоасини баҳор байрами билан қўтаб, бу йил ҳам янги-янги муваффақиётларга эришшда, халққа хизмат қилишда Оқ йўл тиллади. -- Мен Наврўзнинг Ўзбекистонда бунақа таптанадор нишонланганини кўриб ҳавас қиляпман, -- дейди Қирғизистондан ташриф буюрган меҳмон Оқтой Алив. -- Наврўз ҳаммамизга, барча туркий халқларга бахт келтирсин!

Х. АЛИМОВ

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим

олишларини қўллаб-қувватлаш **"УМИД"**

жамғармаси қуйидаги ихтисосликлар бўйича хорижий ўқув юртларида таълим ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантларини олишга талабгорларнинг 1997-1998 ўқув йилига танлов турлари бошланишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Устивор соҳалар номи	АҚШ	Буюк Британия	Франция	Германия	Япония
ИҚТИСОД а) монетар сиёсат ва пул муомаласи	Принстон Университети Колорадо Университети Миссури Университети Жонс Хопкинс Университети	Лондон Университети	Бордо Университети Клермон-Ферран Университети	Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети (Токио ш.) Токио Университети Кёто Университети (Кёто ш.)
б) тижорат банклари иши	Гарвард Университети Принстон Университети Миссури Университети Колорадо Университети	Лондон Университети	Канн Университети	Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети Токио Университети
в) молияни бошқариш	Гарвард Университети Миссури Университети Колорадо Университети Рочестер Университети Индиана Университети	Лондон Университети	Сарбонна(Париж-1) Университети	Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети Токио Университети
г) сармоялар ва қимматбаҳо қўғоғлар бозори	Гарвард Университети Миссури Университети Колорадо Университети Индиана Университети	Лондон бизнес-мактаби		Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети Токио Университети
д) менежмент ва маркетинг	Гарвард Университети Рочестер Университети Стэнфорд Университети Вашингтон Университети Колорадо Университети	Оксфорд Университети Ноттингем Университети	Клермон-Ферран Университети Ноттингем Университети	Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети Токио Университети
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ а) халқаро сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар	Колумбия Университети Калифорния Университети Принстон Университети	Лондон Университети Оксфорд Университети Кембриж Университети	Бордо Университети Парижнинг сиёсий тадқиқотлар институти		Хитотцубаши Университети Токио Университети Кёто Университети
б) халқаро молиявий ҳуқуқ	Колумбия Университети Калифорния Университети	Кембриж Университети	Сарбонна (Париж-1) Университети		Хитотцубаши Университети Токио Университети
в) халқаро тижорат ҳуқуқи	Колумбия Университети Калифорния Университети Иллинойс Университети	Кембриж Университети	Сарбонна (Париж-1) Университети		Хитотцубаши Университети Токио Университети
ИНФОРМАТИКА ВА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ а) ҳисоблаш тизимини лойиҳалаштириш	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Мичиган Университети Нью-Йорк Давлат Университети	Лондон Университети Кранфилд Университети			Токио Университети Токионинг технология Университети
б) компьютер тизимини лойиҳалаштириш	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Мичиган Университети Нью-Йорк Давлат Университети	Лондон Университети Кембриж Университети			Токио Университети Токионинг технология Университети Кёто Университети
в) тизимли программалаштириш	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Нью-Йорк Давлат Университети Мичиган Университети	Лондон Университети Кембриж Университети Манчестер Университети			Токио Университети Токио технология Университети Кёто Университети
г) амалий программалаштириш	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Нью-Йорк Давлат Университети Мичиган Университети	Лондон Университети Кембриж Университети Манчестер Университети			Токио Университети Токионинг технология Университети
ТАБИИЙ ФАНЛАР а) физика	Колорадо Университети Индиана Университети Нью-Йорк Давлат Университети Мичиган Университети	Кембриж Университети			Токио Университети Токио технология Университети
б) математика	Колорадо Университети Индиана Университети Нью-Йорк Давлат Университети Мичиган Университети	Кембриж Университети Эдинбург Университети Оксфорд Университети	Гренобль-1 Университети Ренн-1 Университети Страсбург-1 Университети		Токио Университети Токио технология Университети
в) химия	Колорадо Университети Индиана Университети Нью-Йорк Давлат Университети Техас Университети	Кембриж Университети Бирменгем Университети	Гренобль-1 Университети Сорбонна Университети (Париж-6)		Токио Университети
г) биология	Индиана Университети Мичиган Университети	Кембриж Университети	Монпелье-2 Университети Монпелье-2 Университети Гренобль-1 Университети		Токио Университети Токионинг қишлоқ ҳўжалик ва саноат Университети Кёто университети
д) ген муҳандислиги	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Нью-Йорк Давлат Университети Техас Университети	Кембриж Университети	Сорбонна Университети (Париж-6)		Токионинг қишлоқ ҳўжалик ва саноат Университети Токио Университети
е) ноанъанавий қувват манбаларидан фойдаланиш	Пенсильвания Университети Техаснинг Эй энд Эм Университети	Манчестер Университети Абердин Университети Кранфилд Университети			Токио Университети Токионинг технология Университети
ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ а) селекция ва пахта уруғчилиги	Техаснинг Эй энд Эм Университети Небраска Университети				
б) донларнинг тез бўлиниш технологияси	Техаснинг Эй энд Эм Университети Небраска Университети	Лондон Университети		Бонн Университети Гумбольдт номи Берлин Университети	Токио Университети Токионинг қишлоқ ҳўжалик ва саноат Университети
в) молларнинг сермахсул наслларини чақиштириш	Техаснинг Эй энд Эм Университети Небраска Университети			Гумбольдт номи Берлин Университети	Токио Университети Токионинг қишлоқ ҳўжалик ва саноат Университети
ЭКОЛОГИЯ ВА СУВ ТИЗИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ	Индиана Университети Нью-Йорк Давлат Университети Пенсильвания Давлат Университети Колорадо Давлат Университети Стетсон Университети Техаснинг Эй энд Эм Университети	Лондон Университети Вестминстер Университети Кембриж Университети	Монпелье-2 Университети Монпелье-1 Университети Лион-1 Университети		
ЖУРНАЛИСТИКА	Индиана Университети Техас Университети	Вестминстер Университети Йорк Университети	Лиль Олий журналистика мактаби Парижнинг журналистларни тайёрлаш Маркази		

"УМИД" жамғармасининг бошқаруви 1997 йил 26 мартгача тест ва суҳбатлардан ўттиш учун қайд қилинадиган ҳужжатларни тақдим қилишни сўрайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантини олиш бўйича танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

1. "УМИД" жамғармасининг Бошқармаси номига йўналиши, ихтисослиги ва таълим шакли курсатилган ариза.
2. а) бакалаврият учун: Танланган ихтисослик бўйича олий ўқув юртининг 1-2 курсини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисида маълумотнома;
б) магистратура учун: Танланган ихтисослик бўйича олий ўқув юртининг тугатганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси.
3. Олий ўқув юрти ректорати ёки ўқиган юборатган бошқа ташкилот раҳбариятининг тавсиянома ва тавсияномаси.
4. Чет элга кетиш учун суратлар (10 дона).
5. 286 - шакл бўйича тиббий маълумотнома.
6. Паспорт.
7. Ҳарбий билет ёки ҳарбий хизмат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома.

Танлов турлари 1997 йил 26 мартдан 10 майгача 3 босқичда ўтказилади.

1 - босқич: Танланган ихтисослик бўйича тест.

2 - босқич: Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги, теге ҳуқуқчилигини мустаҳкамлашга доир ҳаётини нуқтаи назари ҳамда тарихий, маданий билимларни аниқлаш юзасидан суҳбат.

3 - босқич: Чет тили ва танлаган ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда хорижий олий ўқув юрти талабларига жавоб берадиган билимларни аниқлаш юзасидан тест.

Танлов турларининг 1- ва 2- босқичлари етук олим ва мутахассислар, илмий ходимлар, психологлар, шунингдек, фаолиятнинг устивор соҳалари вакилларида тузилган "УМИД" жамғармасининг махсус ҳайъати томонидан ўтказилади.

3- босқич - тасослаштирилган хорижий тест компаниялари томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш ва суҳбатларни ташкил этиш бўйича танлов ҳайъати қуйидаги манзилгоҳда жойлашган:
Тошкент шаҳри, Яқуб Колас кўчаси, 16-уй. Банк-молия академияси. 39-хона, тел.: 68-43-10, 68-38-10.

ДИЙДОР

Унинг ёши минг йилдан ўтди. Тўрт фаслда-да барг тўкмайди у. Аксинча, гуркираб-гуркираб усаверади. Кучоғингизни очинг, қулочингизни ёзинг --




етмайди. Чунки...
Бу баҳайбат ЧИНОР олти йилки яна кучга, қудратга тўлиб борапти. Илдилари ҳам бақувват. Номининг ТУРКИСТОН!
Юрагингизда кўмилиб ётган хотираларни уйғотиб юборадиган сўз. Асримизнинг улуг адиби Чингиз Айтматов билан бўлган гурунгимиз ҳам Туркистон мавзусидан бошланди.

лар пишиб юрибди. Вақт ет-майти, вақт. Узи умримнинг ярми йўлларда ўтиб кетди. Утган йил ҳисобидан Мухтор Шаханов билан биргаликда битта китоб чоп этдик. Тайёр асарлар бор, ҳозирча сир.
-- Чингиз оға, яширмайин, Бишкекка келиб Қирғизистон матбуотини кузатиб хайрон қол-

ўқиб ҳам отамнинг дунёдан утганига ишонмаган. Нима, мен фожиадан қаҳрамон ясаб танилдимми? Баҳоли қудрат неки ёзган, қоралаган бўлсам эл-улус билди. Шундай деб айюханнос солаётганлар Шекерга бориб кўрсинлар...
-- Уэр, дардли хотирангизни кўзгаб кўйдим...

-- Бозорнинг шафқатсиз қонунлари бизнинг руҳимизни ҳам истило қилиб борапти. Менинг катта хавотирим нимадан, биласизми? Миллий ўзлик ва миллий маданият мен ҳам номини тополмаётган «Бозор ҳаёт тарзи» деган ҳасталикка чалиниб бўлди. Бу жуда хавфли. Негаки, кўча-кўйга қаранг. Давлат телевидениеларимизни ҳатто ёлғиз ўзимиз кўришга уяламиз, болаларни кўйиб тураверинг. Кинотеатрларимизни бўлса 16 ёшдан ўтганлар эмас, етмаганлар эгаллаб олди. Миллий адабиёт, санъат ҳақида ҳам минг марта қайғуриб гапирмайлик, ташқарида ўзгача ҳаёт. Кўчадаги китобни варақлаб бўлмайди. Газета-журналини кўйверинг. Нуқул ваҳшийлик ва фаҳш, залолатга қорловлар. Энг даҳшатлиси, «Видеобосқин» уй-жойимизни ҳам, юз-кўлимизни ҳам забт этди. Марказий Осиё мамлакатлари ўзларининг бой маънавиятини сақлаб қолиш учун бу борада тезроқ чора кўрмасалар, оқибати аянчли бўлади.



Хар айёмнинг таровати бор,
Шукҳи-ю, қувончи ўзга.
Бу тонг дилда жўшар эҳтиром
Оқ либосли гўзал Наврўзга.
Қаранг, атроф қандай жилвагар,
Кўз ёради энг эзу ният.
Ахир бизга оппоқ йўл тилар,
Оқ гуллаган она табият.

ЕРУФ НИЯТЛАР
САМАРҚАНД САЙИЛЛАРИ

Ватанимизнинг барча сарҳадлари каби қадим Самарқанд замини ҳам ёшарини, яратини фаслининг файзу тароватига чўйган бўлди. Муборак дамлар арафасида Самарқандда амалга оширилётган тадбирлар хусусида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Анвар ХАСАНОВ ҳикоя қилди:

-- Бу байрам аслида ҳеч қандай таърифу таснифга муҳтож эмас. Унинг минглаб йиллик тарихи халқимиз урф-одатлари, қолаверса, маънавияти билан муштарак бўлиб кетган. Шу тўғрисида айнан Наврўз дамларида кўпайиб келган ва савоб ишларга кўл урилади. Бу ҳам одамларимизнинг азалий одати.
Хар галгидек бу йил ҳам вилоятнинг барча шаҳар ва туман марказларида ўтказилаяпти. Албатта, бунда Самарқанднинг «юраги» аталмиш Регистон майдонидан бўладиган байрам шодмөнлари алоҳида ўрин тутди. Бу ерга ташриф буюрган хар бир киши қайси томошаларнинг гувоҳи бўлади.
Бугун вилоятда ўнлаб янги иншоотлар ва соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо дўконлари, кичик корхоналар, янги цехлар фойдаланишга топширилди. Уларни ишга тушириш тантаналари ҳам байрам шодмөнларига уланиб кетади.

ЧИНГИЗ ОТАМИНГ ЧИНОРИ

-- Чингиз оға, тақдир дей-мизми, қисматми, сиз ўн йил-ларки чет элдасиз. Яна бир жўхати, дунё кўрган одамсиз. Тўғриси айтинг, кўпроқ қаер-ни соғинасиз?
-- Биласиз, Қирғизистон Туркистоннинг бир бўлаги. Шу юртда Талас деган жаннатий волий бор. Унинг чеккасида эса Шекер деб аталмиш овул ястаниб ётибди. Аввало, ана шу миттигина гўшамни соғинаман. У ҳам мен учун каттақон Ватан. Қолаверса, албатта, хар қадамда Туркистон мени ўзига қорлайверади. У хар тун тушларимга кириб чиқади.
-- Шарқ маданияти, маърифати жаҳон халқларини асрлар давомида ҳайратга солиб келади. Сунги -- XX аср билан мақтанглик нимамиз бор бизнинг? Ё замонлар келиб Туркистон адабиёти деган ибора дунё таърихида кирармикан?
-- Мен башоратчи эмасман. Билмадим, раҳматлик Ванга момо ё Нострадамус жанобларини ҳам бу савол ўйлатиб кўйди. Вақт кўрсатади, давр кўрсатади. Уйламанг, XX аср бизлар учун фақат қора аср эмас. Дунёни титрадиган воқеа-ҳодисотлар, кашфиётлар содир бўлмади? Тарихни ҳеч қим ўзгартирмайди. Бузиш мумкин, сохталаштириш мумкин, болшевик ва коммунистларга ўхшаб. Лекин халқ хотирасини ўчириб бўладими? Шунинг учун аслида Туркистон адабиёти, деган ҳақиқат бор. Уни минг марта айтиб такрорлаш шарт эмас, секин-секин рўёбга чиқариш керак. Бунинг учун энг муҳими, ана тиллар катта рол ўйнайди. Ҳеч қўрқмасдан энг ноёб ва асл асарларимизни тўғридан-тўғри жаҳон тилларига ўтираверишимиз керак. Мана, ҳеч ўзингиз айтдингизку, Ўзбекистонда «Жаҳон

"Халқ сўзи" газетаси, оқурунгузига!
Наврўз байрами - дурдонами кўн-чарам!
Ташаббус босибди сўзбек халқимиз!
Е. Айтматов

адабиёти» деган журнал ташкил бўлибди. Бу хайри иш. Жуда хурсанд бўлдим.
-- Барбир истибод замонининг асоратлари ҳали кўп йиллар кетмайдиганга ўхшайди. Бўлмаса, мана олти йил ўтаётган ахир, ҳалиям ҳадиқ ва хавотирда яшаётганлар бор-да?
-- Бу табиий. Ҳув, боғланган фил воқеасини эсланг. Занжир йўғу, лекин кетмай айлана-ниб юраверади. Империя нега бунча кўп яшайди? Тарихда юздан ортиқ миллат бир давлатга бирикиб ҳеч қачон шунча узоқ умр кўрмаган. Энди айтавер-сак очилверади. Мени ҳам нега Европа билардан шунча кўп йил ўзиб кетди, деган савол қийнайди. Ўзимча мулоҳаза қиламан. Бизлар битта кўрада яшадик, ижод қилдик. Нима бўлса-да, ўз тарихимиздан узоқлашиб боравердик. Европа нимадан ютди? Улар бўлиниб-бўлиниб ўз тарихини, ўтмишини урганди. Дунёга чиқиб олди. Бизда-чи? Болаларимиз ўз боболарини бил-

дим. Нега десангиз бўлар-бўлмас гап-сўзлар, олди-қолди шов-шувлар кўп босиларкан. Ҳатто сиз ҳақингизда ҳам...
-- Эшитиб қоламан. Аммо ўзим ўқиганим йўқ. Нима қиламан, ёлгон нарсаларга вақтни кетказиб. Майли, ёз-веришин...
-- Шундай дейсизу, бир ўқувчи сифатида бу менга оғир ботди. Нима эмиш «Чингиз Айтматов ўз отасининг қатагон этилганлигидан фойдаланиб машҳур ёзувчи бўлиб» кетганмиш...
-- Эҳ, нима дейсиз. унда бутун Қозогистон ва Ўзбекистонда ҳам минг-минглаб ёзувчилар пайдо бўлар эди. Меннинг отам 34 ёшида қатагон бўлган. Онам раҳматликнинг тортган азобларини ёлғиз Оллоҳ билди. Ҳалиям унинг жони тошдан экан. Шунча йил кутган, чидаган, «ўлимидан сўнг оқланди», деган ёзувни

майли, ҳаммамиз аслида ана шу Хотира билан тирикмиз. Хотира улган кўн-биз ҳам ўламир. Ана шундан худо асрасин.
-- Яна бир оғриқли муаммо ҳақида сўрасам. Гарб маънавий дунёсига муносабатингиз қандай?
-- Гапларимни эшитиб тагин уйламанлар, бу Айтматов Европада яшаб, ўзгариб кетибди-да, деб. Йўқ, мен ёлғиз ўзимман. Гарб барибир гарб. Ўзига хос маданияти бор. Гарбойиб одамларини айтмайсиз. Ҳамма нарса бор, одамнинг жонидан бошқа. Фақат битта бойлик етмайди: асл туркийча меҳр-оқибат ва салом-алик. Ана шулар -- замирида сизу бизнинг ўтмишимиз, эртамиз ётибди.
-- Энди Шарқнинг, тўғрироғи, Туркистоннинг бугунги маънавий ҳаёти қай аҳволда деб ўйлайсиз?



Унда қорақалпоғистонлик истеъдодли ижодкорлар Галия Абдураҳмонова ва Михаил Антонов асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмани очиб маросимида шаҳар бургомистри жаноб Ханс Йоргин Фип, Германия парламентининг Германия -- Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси Вольф Бауэр, Ўзбекистоннинг Германиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Алишер Шайхон иштирок этди. Шу кун Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон элчихонаси номидан Бундестаг депу-

GERMANYDA NAVR՛Z NAFA SI

Германиянинг тарихий-маданий марказларидан бири бўлмиш Осна-Брук шаҳрида ўзбекистонлик ёш рассомлар кўргазмаси очилди

Унда қорақалпоғистонлик истеъдодли ижодкорлар Галия Абдураҳмонова ва Михаил Антонов асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмани очиб маросимида шаҳар бургомистри жаноб Ханс Йоргин Фип, Германия парламентининг Германия -- Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси Вольф Бауэр, Ўзбекистоннинг Германиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Алишер Шайхон иштирок этди. Шу кун Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон элчихонаси номидан Бундестаг депу-

татлари, Германиядаги чет эл дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари учун қабул маросими ҳам уюштирилди.
Шунингдек, Германияда бўлиб ўтаётган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида Бонн шаҳрининг федерал кўргазмалар залида Фаргона кўғирчоқ театри жамоаси томошабинларни Шарқнинг дурдона асари «Минг бир кеча» эртаги асосида сахналаштирилган спектакл билан хушнуд этди. (ЎзА).

сурхан аджанта фарма лимитед
SURKHATA
Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқини баҳорги янгилашиш ва яшариш байрами - Наврўз билан самимий табриклайди!
Ушбу анъанавий гўзаллик, ёшлик, эзгулик ва меҳр-шафқат байрами кунларида ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

КУТЛУФ КУН НАВОЛАРИ

КУЛИНГ, КЎП ЯШАЙСИЗ

БОЙЧЕЧАК ЧИҚИМОДИ, БУЗУН НАВРЎЗ ЭКАН!

Бойчечакдан элчи келди тоғларнинг тўшини ёриб, Ут-ўланлар қўшиги кўёшга чиқди пешвоз, Қушлар ҳам гўша излар бутуқда толиб, ҳориб, Яшилликдан кўз тикар борлиқ кўркам бунча соз. Наврўзнинг шарофати, ҳей, айёми азим бу! Янги йил навосига дилдан бўлган таъзим бу! Анҳорларда сув жўшқин ялпизлар юзин ювар. Марварид шода янглиғ шудринлар ятирайдилар, Сабо ўйнар гулларнинг дудогидан маст бўлиб, Мажнунтолни япроғи, тил чўзиб қалтирайдилар, Наврўзнинг шарофати, ҳей, айёми азим бу! Янги йил навосига дилдан бўлган таъзим бу! Меҳр ўйнар кўзларда, табассумлар сочилигай, Карнай-сурнай садоси, қувончга-қувонч қўшар. Шарқона одатимиз қулафи яна очилгай, Базми-жамийид байрам бу, юраклар тўлиб жўшар. Наврўзнинг шарофати, ҳей, айёми азим бу, Янги йил навосига дилдан бўлган таъзим бу! Хусанжон АМИН.

Сочларимда мол баргак, Дилда бир олам тилак. Мени чорларинг илк бор. Кун чирой ёзган наҳор. Севгим туғилган баҳор. Бинафшалар тутқаздинг, Қўлларимга авайлаб. Гоҳи тонларда кездинг, Кўёш бўлиб эркалаб, Севгим туғилган баҳор... Кўшиқ айтсам булбулга, Дуторимни созладинг. Шеврлар тўқисам гулга, Ишқимни эъозладинг Севгим туғилган баҳор... Тушса ҳамки сочга оқ, Сени эсламан баҳор. Қалбда эзгу иштиёқ, Кутгим сени иштизор. Севгим туғилган баҳор. Арофат НОСИРОВА.

Баҳор келса яшнайди, Она юртим даласи. Ирмоқларни ўйноқлар, Шилдирар шаловаси. Боғлар гулга ўралиб, Мафтун этар жилоси. Булбул боғин қон қилар, Гунча гулнинг лоласи. Ер, осмонки титратар, Ошиқ оху лоласи.

Бундай ҳижрон фироққа, Чидар инсон боласи. Дардли дилга сўрсангиз, На деб анинг чораси. Висолига етишмай, Битмас қалбин яраси. Фахриддин ЭРНАЗАРОВ.


Баргак тақди яшил фусункор, Мажнунтолниг чилвир сочлари.

Эриб битди тоғлардаги қор, Келди Баҳор қалдирғочлари. Жилгалар ҳам шошиб шу замон, Чопа кетди сойларга томон. Урик эса хурраму шодон, Тақди оплоқ гуллардан маржон. Мовий кўкда ясаб арғимчоқ,

Гала-гала келар турналар. Боғу қирга тақиб гулмунчоқ, Баҳор турфа ранга турланар.

Ҳали қиш совиғи кетмаган абас, Кўёш шувласида ёнар зумрад қор. Қалбда исён билан ёвга басма-бас Қирда бойчечаклар кўрсатди

рухсор. Ханжар чўққиларнинг собит муллари, Сел бўлиб тошмайин ҳали қирғокдан. Чулдиран, бўғзида соғинч сўллари, Қалдирғоч келади йироқ-йироқдан.



Бу икки қудратнинг ўтлаи нафаси, Уйғотиб роборар мудроқ дунёни. Шу кундан бошланар ҳамма-ҳаммаси, Борлиқда баҳорнинг буюк имкони. Очил ТОҲИР.

РАЗЗОҚ БУВАНИНГ ЁНФОҒИ

ёзиб, укасидан бериб юборай деса, уям олтишга кирган чол! Чол ўйлай-ўйлай, ахирги бунинг ажойиб йулини топи. Ошиқ-машуқлар «товар оборот» орқали бир-бирига севги изҳор қиладиган бўлишди. Кампири оламдан ўтганидан кейин Раззоқ бува кўчада ўтирадиган одат чиқарди. Ёш боламан, ўйнаб юрсам, мени чақириб қолди. -- Хов, паст маҳалладаги Лоҳила холантинг уйини биласанми? -- деб сўради. -- Қурт сотадиган холами, биламан, -- дедим мен. -- Барақалла! -- деб бува чўнтагимга ёнғоқ тўлдирди. Кейин қўлимга ёнғоқ тўла сумкани тутқазди. -- Мана шуни холанга бериб келсан. Оқлида хеч қим бўлмасе, менинг бериб юборганимни айтасан. Сумкани кўтариб, Лоҳила холаникига югурдим. Хола сумкани кўриб ҳайрон бўлди. -- Раззоқ бува бор-у, кампири ўлиб қолган, уша киши берворди, -- деганимдан кейин

Лоҳила хола жилмайди. -- Вой, бўйларингта бунинг тасалдуқ, шундайми? -- деб қўлимдан сумкани олиб бунатдида, ўрнига сузма солиб берди. Узимга эса иккита сап-сарик олма берди. -- Муни Раззоқ бувангта элти бергин, айларай. Сумканинг бун эмаслигини кўриб, Раззоқ буванинг кайфи учиб кетди. Менга хўрайиб қараб тураверди. -- Сузма бу, сузма! Лоҳила холаман янги сузган эканлар, сизга берворди, -- деганимдан кейин ажин туганган юзига табассум югурди. -- Яна-чи, бува, Лоҳила холаманнинг олмаси ҳам бор экан, менга берди, -- деб мақтаниб ҳам қўйдим. Шу тариқа Раззоқ бува билан Лоҳила хола ўртасида «ёшиш»лар бошланди. «Почтальон» ўсим: ёнғоқни кўтариб у ёққа чопаман, сузма, яъни жавобини кўтариб бу ёққа югураман. Бир ҳафта ўтди, ўн кун ўтди. Раззоқ бува кўринмай қолди. Секин эшикларидан мўраласам, Лоҳила хола унинг ҳовлисида кир ювиб ўтирибди. Раззоқ бува эса айвонда баҳузур ёнбошлаб олиб, чой ичяпти. -- Мана, олмаси бор холангнинг обекволдик, -- деди мени кўриб. -- Хе, суялмай ўлинг, -- дея хола менга юзланди. -- Бувамнинг иккита энгоғи бор, деганингни битта экан-ку! -- Нима дейишимни билмай турганим, Раззоқ бува хо-хо-хо кўлиб ва деди: -- Битта ёнғоқни ҳам яхшшлаб парварिश қилсангиз, иккита ёнғоқнинг ҳосилини бераверди, демаясанми, болам! Саид АНВАР.

БЎШ ҲУТРАМА

Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзларни шаклда рақамли хонадан ёй бўйича марказ томон ёзиш билан машқини ҳал этинг.



- 1. Наврўзнинг «шоҳона» таоми. 2. Уруғ ёки қаламчадан ўсиб чиққан ёш дарахт, ниҳол. 3. Наврўз сайилларида ўтказиладиган миллий спорт беллашуви. 4. Богдорчилик экинлари ва мевалари мажмуи. 5. Наврўз айёми ҳақида узунинг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига маълумотлар ёзиб қолдирган Марказий осиелик қомусий аллома. 6. Наврўз байрами бошланганда ой номи. 7. Йил фасли. 8. Тантанга билан ўталган маросим. 9. Ток барги билан пишириладиган баҳор таоми. 10. Умрибўқий дарахт. 11. Яратганининг марҳаматига лойиқ эзгу иш. 12. Маҳаллий наваг мансуб бугдой нави. 13. Узунинг йирик, кўз пишар нави. 14. Мақолдан: «Ақлнинг ўлчови...?». 15. Ўзгаларга ўз таъсирини, сўзини ўтказадиган шижоатли киши. 16. Марказий Осие халқларининг мазмунан ва шаклан бир-бирига боғлиб кетган дostonлар туркуми. 17. Наврўз сайилларида суворийларнинг миллий мусобақаси. 18. Мислсиз чиройли, хушрўй кўриништа бериладиган атама. 19. Баъзи ўсимликнинг ерда ёйлиб ўсадиган тана, шох барглари. 20. Ёмғир ёғиб ўтган, уфқда рўй берадиган турфа ранг ҳодиса. 21. Мамлакатимизда ижтимоий адолат ва қадриятларимизнинг таркиб топишида муҳим аҳамият касб этаётган маъмурий ҳудудий бўлима. 22. Ҳосил уюми. 23. Маълум ишни амалга оширишда жамоатчилик томонидан бериладиган ихтиёрий ёрдам. 24. Ўзбек мумтоз рақе санъатининг Фарғона туркумига мансуб, манзарали ўсимликнинг очилиши ҳаракатлари билан ижро этиладиган уйин.

Фозилжон ОРИПОВ.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги тугатилди. Даволат эълон газетанда чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 47-04-95

Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Истамбул (Туркия) шаҳридаги бош консули Умарали Худойбердиевга отаси РАҲМОНАЛИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ялпизларга ёлворишиб елар тортар қулоғидан, Аё дўстлар шарбат боларилар дудогидан, Нон исин навоси келар унган бугдой увоғидан, Бойчечаклар саботида келар Наврўз, келар Наврўз, Кумрларнинг қанотида келар Наврўз, келар Наврўз!

Қозонларнинг қулоғида сумалақинг садалари, Кафтлариди томар чак-чак момоларнинг дуолари, Ўз исига сармаст баҳор тонгин саболари, Сумалақинг шифосида келар Наврўз, келар Наврўз, Мажнунтолниг ибосида келар Наврўз, келар Наврўз!

Момо ерга меҳр ёғар тулпорларнинг тугёдан, Кўёшинг қоқили кўйгай азим тоғлар тароғидан, Ўсманни ўқситган қизни ўғим келар қабогидан, Куйсан кўнгли нидосида келар Наврўз, келар Наврўз, Чақмоқларнинг садосида келар Наврўз, келар Наврўз!

Муҳаббат аҳлини ёраб кўзида ўт ёнар лов-лов, Бир майсадек уйғонса дил сўзида ўт ёнар лов-лов, Маҳмуд отлақ ошиқ келар изида ўт ёнар лов-лов, Тапирининг хуш дўсида келар Наврўз, келар Наврўз! Вафо аҳли навосида келар Наврўз, келар Наврўз! Маҳмуд ТОҲИР.

ЎЛМАС УДУМЛАР

НАВРЎЗЖОН, ҚИЗМИСИЗ, ЎФИЛМИСИЗ!

Қадимги Урта Осие ва Эронда Наврўз нафақат халқ, балки давлат байрами сифатида ҳам нишонланган. Тарихий маълумотларга қараганда одамларни табақаларга бўлиб, Наврўз байрамини бир ойга чўзиб, ҳар беш кунни бир табақага тааллуқли деб ҳисоблаганлар. Жумладан, Эронда биринчи беш кунлик подшоларники, иккинчиси залогон зотларники, учинчи беш кунлик подшо хизматкорлариники, чўри-малайларники, тўртинчи беш кунлик ва олтинчиси деҳқонларники бўлган. Подшо Наврўзнинг беш кунлигида шўқ байрамни бошлаб, фуқароларга муруват кўрсатишни эълон қилган. Иккинчи кунни у деҳқонлар ва аслзодаларни, учинчи кунни отликлар ва олий руҳонийларни, тўртинчи кунни ў фарзандларини қабул қилган. Бешинчи кун

улуг байрам ҳисобланиб, унга «Катта Наврўз» номи берилган. Наврўз кунни подшо дастурхони бугдой, арпа, тарих, макка, нўхат, ясиқ, гурч, кунжут ёки лобёё унidan пиширилган нонлар билан безатишган. Дастурхон ўртасига турли дарахт (тол, зайтун, беҳи, анор ва ҳоказолар) қанд, етти оқ қанда ва кўкос ёнғоғи билан махсус таом берганлар. У таомни янги соғилган сўтга хурмо солиб истеъмол қилган. Ҳозирча Эронда Наврўз дастурхонига етти хил (ҳадфтин) «с» харфи билан бошланган нарсалар тортилади. Катта бозорларда савдо-соттиқлар, ялпиз, кўк пиёз, ёш беда ҳамда

бошқа кўкатлар солинган турли таомлару ширинликлар тайёрланади. Байрам катта оммавий сайиллар, халқ уйинлари, мусобақалар, созида-у, раққосалар, масҳара-боз ва дорбозлар иштирокида ўтади. Умар Хайём ёзиб қолдирган маълумотларда таъкилланишча, 26 асрдан буён нишонланиб келаётган Наврўз байрами бошланиши билан ўзаро урушлар тўхтатилган, ярашиш шартномалари битилган, ҳатто дафн маросимлари ҳам бошқа кунга кўчирилган. Ҳаётимизда Наврўз билан боғлиқ давомий анъаналардан бири янги турилган болаларга Наврўз исмини кўйиш одатидир. Луфийнинг ажойиб асари «Гул ва Наврўз» дostonида Фаррух шохнинг ўғли шу кунни турилган ва унга Наврўз, дед номи берилган. Ҳозир ҳам Самарқанд, Сурхондар, Қашқадар, Бухоро вилоятларида байрам кунни турилган ўғил болаларни, Фарғона водийсида эса қиз болаларни Наврўз деб атайдилар. Г. ХУСАНОВА тайёрлаган.

ОЛМОСДАН ЯСАЛГАН ВИДЕОКАЛЛАКЧАНИНГ КАФОЛАТИ - 5 ЙИЛ Winner Diamond Head HiFi VCR SVR-140D ВИДЕОМАГНИТОФОНИ Advanced Deck Technology Фирма дўконлари TOU Ко.Лтд. Тошкент Амир Темура кўчаси, 110 (3712) 34-02-88 35-09-86 Кафолат Файз Тошкент Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори (3712) 42-29-89 Кафолат Файз Тошкент Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. (3712) 41-46-38 Отахон Фарғона Ал-Фарғоний кўчаси, 20 (3712) 24-78-76 Наврўз Андижон Мустақиллик кўчаси, 14 (37422) 43-8-60 Юкори тезликда ўраш "Реактив привод" Ута тез старт Челек усулида бошқариш Таймерга кўмаклашиш Олд панелда аудио ва видеокириш Аудиомонтаж 4 дастур/1 ойга дастурлаш таймери Рақамли автотрекинг LP (Long Play) режими Болалардан муҳофаза қулфи Мутлоқ узатмасиз видеомагнитофон OTR (One Touch Recording) - бир тутмачани босиб ёзиш Юкори технологик цеплар Индекс буйича кидирув Сексинлатиб кўрсатиш Тез кидирув Нусха кўчириш Стоп-кадр ва кадрларни қайта тиклашининг афзал сифати Тула автомат усулида ишлаш Катта дисплей Рус тилида дастурлаш

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ. БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Меҳор ва қадриятлар 36-29-89; Кишилоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маълумот 36-35-60; Туғил муҳарририят 33-10-28; Ўқушлар 36-09-25, Ўқитиш 33-10-60. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир - Н. Жалилов. Навбатчи - Т. Абдурахмонов. Мусохафчи - Б. Ҳасанов.